Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · "Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24318253

materiallar to'plami

ЛОГИСТИКАНИНГ ТАРИХИЙ ЖИХАТИ. ЛОГИСТИКАНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ЁНДАШУВИНИ ҚЎЛЛАШ ДОИРАСИ

И.М.Сирожиддинова-Андижон машинасозлик институти,
"Гуманитар фанлар" кафедраси мудири, п.ф.н, доцент
О.У.Юлчибаев- Андижон машинасозлик институти
1-босқич магистри

Аннотация: Логистиканинг тарихий жихати. Логистиканинг пайдо бўлиши ва ёндашувини қўллаш доираси.

Калит сўзлар: Кичик бизнес, корхона, тадбиркорлик, ривожланиш.

Логистиканинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи, мутахассисларнинг фикрига кўра, XIX асрдан бошланади. Логистика юнончадан таржима қилинганда-хисоблаш, тақсимлаш деган маънони англатади. Аммо, уни харбий иш билан, харбий муаммолар билан боғлайдилар. Логистика буйича олиб борилган ишларнинг биринчи муаллифларидан XIX асрдаги француз харбий мутахассисси А.Т.Жомини хисобланади, у логистикани "кўшинлар харакатининг амалий санъати" сифатида таърифланган. Шунинг билан бирга у таъкидлаганки, логистика уз ичига нафақат ташишни, балки режалаштириш, бошқариш ва таъминот, қушинини жойлаштириш жойларини аниқлаш хамда куприклар, йўллар қуриш масалаларини ва бошқаларни хам олади. Логистиканинг айрим қоидалари Наполеон армияси томонидан қўлланилган. Баъзи бир олимларнинг фикрича, логистика атамаси биринчи марта харбийлар томонидан ишлатилган. Масалан, 1905 йилда майор Чапси Б.Бейкер «армиянинг харакати ва жойлашишига тегишли уруш олиб бориш санъати логистика деб аталади», -деб ёзган. Иккинчи жахон уруши давомида харбийлар логистика моделлари ва кушин жойлашган жойни аниқлаш учун тахлил тизими шаклларидан самарали фойдаланганлар. Харбий фан сифатида шаклланган логистика XIX асрнинг ўрталарида ривожлана бошлаган, лекин уни амалда қўллаш жахон уруши йилларида Европада жойлаштирилган Америка армиясининг моддий техника таъминотида қўлланилган. Харбий саноат комплекси, транспорт тизими ва таъминот баъзаларининг ўзаро аниқ хамкорлиги туфайли Америка армиясини қуроллари ва харбий материаллар билан барқарор таъминлашни ташкил қилишга эришилган. Бу вазифани муваффақиятли хал килишда контейнерлар ва халталар билан ташишни қўллаш анча ёрдам берган. Харбий бўлмаган сохада логистиканинг ривожланиши 70-йиллар бошига тўғри келади ва 1972-1974 йиллардаги энергетик инқироз билан боғлиқ. Бу даврда Европа мамлакатлари ва АКШда иктисоднинг анча ёмонлашуви, пул кадрсизланишининг ўсиб бориши ва ишсизлик, ижтимоий портлашни кутиш иқтисод сохасида баркарорлаштириш ва вазиятни яхшилаш бўйича, шошилинч чораларни ишлаб чиқишни талаб килган. Шунда мутахассислар таъминот интеграцияси, транспортни ишлаб чикиш, бозорда компьютер техникасини қўллаш орқали тақсимлашни самарали шаклларидан бири сифатида логистикага мурожаат қилганлар. Бу қудратли ғоят самарали инфраструктурани ташкил қилишга имкон берган. Логистика Гарбий мамлакатлари ва Японияда ривожланиши ишалб чиқарувчиларни бозор холати ва ракобатга тез эътибор

Published: 10.11.2023

Cite this article: И.М.Сирожиддинова, О.У.Юлчибаев (2023). Логистиканинг тарихий жихати. Логистиканинг пайдо бўлиши ва ёндашувини қўллаш доираси. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24318253

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

беришлари зарурлиги, тез узгараётган шароитларга мослашишга харакат қилишлари билан рағбатлантирилади.

Логистикани моддий ресурсларни жисмоний тақсимлаш, ушбу жараённи техник, технологик, ташкилий таъминлаш хақидаги алохида фанга ажратиш илмий-техник тараққиёт натижалари таъсири остида содир бўлади ва махсулот муаммолари жараёнини ташкил қилувчи элементлар уч йўналишга аниқ тақсимланган:

1.Бозор тадқиқоти, истеъмолчилар захираларини аниқлаш, рақиблар таклифлари ва истеъмолчилар талабларини урганиш ва бозор иқтисодиётининг бошкаришнинг бошка услубларидан фойдаланиш асосида сотиш бозори, уларни кулга киритиш, кенгайтириш, сақлаб қолиш асосида амалга ошириладиган рақобат кураши;

2. Махсулотларини сотиш бозорларини аниқлаш ва моддий ресурслар муомаласи жараёнининг барча босқичлари уларнинг барча жисмоний харакатлари бўйича хамма операциялар аниқ ва мукаммал ўйлаб чиқилган, режалаштирилган ва ташкил этилган ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширишга мўлжалланган истеъмолчилар буюртмалари бўйича ташкил қилинган;

3. Махсулотлар муаммоси ва ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида товар харакати бўйича ахборотлар харакатини тартибга солиш кабилардир. Хозирги биз «Логистика» атамасининг мохияти ва таърифга жудаям якинлашган булсак хам, унинг таърифи бир хил маънога эга булмаганлиги ва муаммога қарши ракурсини турлича эканлиги туфайли буни қилилш осон эмас. Масалан, маркетинг сохасида фаолият кўрсатувчи менежер ва ишбилармон нуқтаи назаридан логистика қуйдагича таърифланади: бу - белгиланган вазифаларни хал қилиш учун зарур булган воситаларни ва хизматларни мақсадга мувофиқ тайёрлаш ва ишлашини ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авнесов А. Клочко А.Н. Ваькин Е.В. Основы коммерции на рынке товаров и услут. Учебник для выших учебных заведений М... 1995.
2. Mahammadovna, S. I. (2021). Needs and factors for developing professional and creative abilities of students of higher educational institutions. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, *25*(6), 2200-2209.
3. Maxammadovna S. I. O'zbekistonda inson huquqlarini ta'minlash: Ijtimoiy xizmatlar agentligi misolida //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY. – 2023.
4. Бушер Д. Тиндолл Г. Эффективность логистики / Сокр. пер. сангл - М 1989. Неруш Ю.М. Коммерческая логистика Учебник для вузов - М. Банки и биржи, ЮНИТИ, 1997.-271с.
5. Mahammadovna, S. I. (2023). Features of Cluster Design in Modern Paradigms of Education. *Telematique*, *22*(01), 348-355.

6. Насиров, И. З., & Сирожиддинова, И. М. (2023). «Бузуқ телефон» педагогик технологияси асосида машғулотларни олиб бориш. *pedagog*, *6*(2), 291-298.
7. Сирожиддинова, И. (2022). Методика смешанной отборки при комплексном проектировании профессиональной подготовки будущих инженеров. *Общество и инновации*, *3*(7/S), 87-92.
8. Пурлик В.М. Рынок интестиционных товаров и логистика Монография - М: Международный универцитет бизнеса и управления, 1997.
9. Maxammadovna, S. I. (2022). Klaster texnologiyasi asosida bolajak muhandislarni kasbiy tayyorgarligini takomillashtirish. *Муғаллим ҳәм үзликсиз билимлендириў. Илмий-методикалық журнал.*
10. Сирожиддинова, И. М. (2022). Таълим жараёнини мониторинг тадқиқ қилиш учун ташхис материалларини ишлаб чиқиш. *Results of National Scientific Research International Journal*, *1*(6), 33-38.
11. Sirojiddinova, I. M. (2015). Engineering Students Have Succeeded In Creating A Technology Cluster. *Pedagogy & Psychology. Theory and practice*, *22*..
12. Гаджинский А.Н. Логистика :Учебник.- М.: 1998.-228с.
13. Zakirovich, N. I., & Mahammadovna, S. I. (2023). Levels of development of human abilities. *Новости образования: исследование в XXI веке*, *1*(7), 341-344.
14. Iroda, M. (2019). Rational Methods Awakening and Stimulating University Students Professional and Creative Abilities. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
15. Maxammadovna, S. I., & Paxlavon o'g'li, M. F. (2023). O‘zbekistonda Inson Huquqlarini Ta’minlash, Ijtimoiy Xizmatlar Agentligi Misolida. *Central asian journal of social sciences and history*, *4*(10), 17-19.
16. Mahammadovna S. I. Improving the professional training of future engineers based on the cluster approach //Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development. – 2022. – Т. 3. – С. 45-47.
17. Maxammadovna S. I. Pedagogical opportunities for the development of professional and creative abilities in students //International Journal for Innovative Enginering and Management Research…. – 2021.